



**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг
ҚАРОРИ**

140157, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Куксарой-1, Тел/факс: 0(366) 235-20-40

2020 йил “4” март

№ 26/4 - сонли

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Вилоятда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда “Чора-тадбирлар режаси” дейилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров, А.Нуркулов, Р.Кобилов, Д.Мамадқулов, О.Ходжаев, А.Умаров, Б.Нуруллаев)

вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари (Ф.Назаров), халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари (Ф.Насруллаев, Ш.Джуракулов, М.Ихтиёров, С.Рафиқов, У.Саидмуратов, Б.Абдуллаев, Ш.Джаникулов) 2020 йилда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг фаолиятини “Намунали Кенгаш” сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирларни ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий қилиш юзасидан бир ҳафта муддатда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва ўз вақтида ижросини таъминлаб бурсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Ф.Назаров), туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига:

вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2020 йилга мўлжалланган иш режалари ижросини ўз муддатида таъминлаб бориш;

вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ҳоким ва унинг ўринбосарлари, прокуратура, солиқ, молия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш органлари раҳбарларининг ҳисоботлари, адлия органи раҳбарлари, судлар раисларининг ахборотларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда фикр ва таклифларни ишлаб чиқиш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан депутат сўровлари юбориш ва уларнинг натижаларини олиш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил қилиш, ушбу учрашувларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш;

маҳаллий Кенгашларнинг веб-сайти, уларда қарорларнинг ёритилиши, депутатларнинг ОАВларда чиқишларини ташкил этиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашларнинг иштирокини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, Р.Қобилов), вилоят Бандлик бош бошқармаси (А.Усмонов), Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Юлдашев), вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Насимов), Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (Қ.Собиров) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳар ва туманларда камида биттадан “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб, уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзолари, ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш ва тадбиркорлик асослари бўйича курсларни ўрнатилган тартибда ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари-маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи (А.Умаров), вилоят Бандлик бош бошқармаси

(А.Усмонов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда “Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури”ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантирсин.

Бунда, касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратилиши инобатга олинсин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), Бандлик бош бошқармаси (А.Усмонов), Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Юлдашев), Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (Қ.Собиров) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

10 кун муддатда бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифларни вилоят ҳокимлигига киритсин ва уни амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин.

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан “Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури” бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танловларни тегишли вазирликлар билан ўрнатилган тартибда келишилган ҳолда ўтказиш ва унинг ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни киритсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров), Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Х.Назаров), Кичик саноат зоналари дирекцияси (А.Юсупов), вилоят Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Махмараимов) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқлаш ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини ўрнатилган тартибда ҳал этсин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (А.Нуркулов, А.Умаров), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.Норқўзиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантириб, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб бериш ва уларни кооперацияларга бириктириш бўйича таклифларни вилоят ҳокимига киритсин.

Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилиши ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилиши юзасидан белгиланган тартибга риоя этилсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, Р.Қобилов), вилоят Бандлик бош бошқармаси (А.Усмонов) Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси (Н.Эшназаров) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда “Беш ташаббус” лойиҳасини молиялаштириш доирасида “Рақамли технологиялар ўқув марказлари”да, “Ишга марҳамат” мономарказларида ва “Ёшлар технопарк”ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

11. Вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров, А.Нуркулов, Р.Қобилов, Д.Мамадкулов, О.Ходжаев, А.Умаров, Б.Нуруллаев), халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига уч кун муддатда:

Давлат дастури ҳамда мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган чора-тадбирлар режаси ижросини мониторинг қилиб боровчи ишчи гуруҳини тузиш;

ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган таҳлилий маълумотлар асосида Давлат дастури ва чора-тадбирлар режаси бандлари ижросини ҳар ойда бир маротаба мажлисларда муҳокама қилиб бориш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ҳар чоракда бошқарма, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб бориш, Давлат дастури бажарилишини танқидий кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ҳамда бу борада Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул бошқарма, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифларни киритиш вазифалари юклатилсин.

12. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, вилоят телевидениеси (М.Ихтиёров), вилоят "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев) ва бошқа оммавий ахборот воситалари мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг тарғиб қилинишини таъминласин.

13. Ушбу қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи Ж.Ураков ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Э.Турдимов

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил 7 мартдаги
26/4-сонли қарорига
илова

**2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар
стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид
Давлат дастурини ижросини таъминлаш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф- харажатлар (млн сўм)	Молиялаш- тириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ						
1	Халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш ва назорат соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш.	2020 йил 1 июл	Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (Назаров), вилоят Адлия бошқармаси (Нуриев)			Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш: вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш; маҳаллий Кенгашлар бошқарма ва ташкилотлар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга таклиф киритиш ваколатидан фойдаланиш; маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий этиш; вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан ижтимоий-иқтисодий дастурларни маҳаллий Кенгашларда муҳокамадан ўтказиш ва ҳимоя қилиш амалиётини йўлга қўйиш; қарорлардаги, мақсадли дастурлардаги кўрсаткичлар ва бошқа индикаторлар ва мақсадли параметрлар ижроси бўйича ҳокимларнинг оммавий

						ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериш тизимини йўлга қўйиш. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида кенг миқёсли чоратadbирларни амалга ошириш.
2	Ёшларни давлат хизматига кизиштириш орқали ватанпарвар ёш кадрлар захирасини шакллантириш.	2020 йил 1 апрел	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Қобилов) Ташкилий-назорат гуруҳи (Назаров), Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (Эргашев), Олий ўқув юртлари, Халқ таълими бошқармаси (Усманов)			Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасига қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлар киритиш: ёшлар, хусусан мактабнинг юқори синф ўқувчилари, лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари талабаларини давлат хизматига қизиқишини ошириш; ёшлар онгида давлат хизмати жозибадорлигини ошириш, уларда бу бўйича амалий қўникма ва дастлабки билимларни ошириш; ёшларда ватанга садоқат ва хизмат руҳини вужудга келтириш орқали келгуси ватанпарвар ёш давлат хизматчилари қатламини шакллантириб бориш; ёшлар учун уларни кизиққан йўналишдаги назарий билимларини амалиётда қўллаш учун республика ва ҳудудий давлат ташкилотларида ўз хоҳишига кўра қўнгилли сифатида икки ҳафталик амалиёт ўташига ушбу ташкилот раҳбарлари томонидан имконият яратиб бериш; ёшлар билан бевосита давлат ташкилотлари раҳбарлари ўртасида ташкилотга ёшларнинг ташриф буюриши орқали ўзаро муҳокама ва савол-жавобларга асосланган учрашувлар ҳамда ташкилот бўйлаб экскурсиялар ташкил этиб боришни ташкил этиш.
3	Тармок ва ҳудуд раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун илгор хорижий тажриба асосида замонавий менежмент тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 июнь	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосар (Ураков), Адлия бошқармаси (Нуриев), Иқтисодиёт ва саноат бош			Норматив-ҳуқукий ҳужжат лойиҳасига қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлар тайёрлаб киритиш: ҳар бир соҳани ўрта ва узоқ истикболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларни ишлаб чиқиш; вазирлик ва идоралар кўрсаткичлари билан биргаликда ҳар бир вилоят ва тумандаги ижро органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий

			бошқармаси (Назаров), Молия бош бошқармаси (Мирзаев), Статистика бошқармаси (Абирахматов), шаҳар ва туманлар хокимликлари			этиш; Вазирлар Маҳкамасининг иктисодий-иҷтимоий ривожланиши муҳим масалаларига оид йиғилишларида хокимлар ва ҳудудий идоралар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш тизimini яратиш; ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш.
4	Маҳаллий ижро хокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини куриш.	2020 йил 1 июль	Вилоят хокимининг ўринбосарлари, Адлия бошқармаси (Нуриев), Иктисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Назаров), Молия бош бошқармаси (Мирзаев), Статистика бошқармаси (Абирахматов), шаҳар ва туманлар хокимликлари			Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлар тайёрлаб киритиш: хокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда такрорланувчи функцияларни тегишли органларга ўтказиш; хокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, хошимлик аппарата таркибий бўлинмалари функционал вазифаларининг намунавий Низомларини тасдиқлаш; хокимлар фаолиятини баҳолаш бўйича аниқ мезонларни ва мақсадли вазифаларни ишлаб чиқиш; маҳаллий ижро хокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизimini яратиш мақсадида Ҳудудларнинг ривожланиш индексини ишлаб чиқиш; мазкур индексдан келиб чиқиб, ҳудудларга оид сиёсатни белгилаш, маҳаллий бюджетларга молиявий қўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш.
5	Давлат органларида халқ билан мулоқот ва мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш.	2020 йил 1 август	Вилоят хокимининг ўринбосарлари, Вилоят хошимлиги ташкий-назорат гурӯҳи (Назаров), Вилоят хошимлиги Ишлар бошқармаси			Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлар тайёрлаб киритиш: давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат хокимияти органлари раҳбарларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича ҳисоботларини маҳаллий Кенгашларда мунтазам равишда эшитиш тартибини жорий қилиш;

			(Рахматуллаев) шаҳар ва туманлар хокимликлари			ҳар бир депутат томонидан Халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик ўрнатиб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиш амалиётини йўлга қўйиш; давлат органларида халқ билан мулоқот ва мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш; давлат органлари раҳбарлари ва ҳокимларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари кенгашларида мунтазам эшитиш тизимини йўлга қўйиш; мавжуд штат бирликлари доирасида барча давлат органларида бевосита раҳбарга буйсунувчи мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил этиш; муурожаатлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларини ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтказиш; давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси ходимларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш масалаларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Халқ қабулхоналари билан мажбурий тартибда келишиш; давлат органлари томонидан ҳар чорак якуни бўйича мурожаатлар билан ишлаш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш.
--	--	--	---	--	--	--

II. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

2.1. Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва нарх-навонинг барқарорлигини ва инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлаш

6	Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини 2020 йил	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосар (Ураков), Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси			Нархлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: Бунда: мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда маҳсулотларни “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз
---	---	--------------	---	--	--	---

	учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар доирасида сақлаб қолиш учун тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.		(Собиров), Молия бош бошқармаси (Мирзаев) Давлат солиқ бошқармаси (Ахмедов), Монополияга қарши курашиш бошқармаси (Бекқулов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Эргашев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари			етказиб бериш занжирини яратиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш; истеъмол товарлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган тақчилликни олдиндан аниқлаш ва чоралар белгилаш; монетар ва номонетар омилларнинг ички нархлар барқарорлигига таъсирининг олдини олиш; мувофиқлаштирилган монетар - фискал ва монополияга қарши сиёсат юритиш.
--	--	--	---	--	--	--

2.2. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш

7	Вилоятда кооперация алоқаларини кенгайтириш мақсадида ҳудудий ва йирик тармоқ саноат корхоналари жалб қилган ҳолда ҳудудда саноат ярмарқаларини ташкил этиш.	Режа-график асосида	Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси (Ибрагимов), Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Назаров), Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Мажидов), Савдо-саноат палатаси бошқармаси (Юлдашев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари			Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: ҳар бир туман ва шаҳар кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ва уларнинг маҳсулотлари рўйхатини шакллантириш; маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини электрон биржа порталига жойлаштириш ва уларни доимий равишда янгилаб бориш; маҳаллийлаштириш лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда белгиланган параметрларга эришишни мониторинг қилиб бориш.
---	--	---------------------	---	--	--	--

2.3. Худудларни комплекс ривожлантириш, мустаҳкам ва барқарор замонавий ишлаб чиқариш ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш

8	Ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, бунга маҳаллий бюджетнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини йўналтириш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Шукуров), Молия бош бошқармаси (Мирзаев), “Сувоқова” ДУК (Юсупов), Автомобиль йўллари бошқармаси (Ҳасанов), туман ва шаҳар ҳокимликлари	Хисоб-китобларга асосан 545,3 млрд.сўм	Республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумлари Ижрочилар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: маҳаллий бюджетинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини инфратузилма объектларини ривожлантиришга йўналтириш; мазкур маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инфратузилма объектларининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиб, маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланишини таъминлаш. Электр тармоқлари ва подстанцияларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш (533,9 млрд.сўм); Табий газ тармоқларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш (1,9 млрд.сўм), 22690 дона газ баллонлар харид қилиш (9,5 млрд.сўм)
9	Самарқанд вилояти 2 та аҳоли пунктига (Ургут ва Челак шаҳарлари) “йўлдош шаҳарлар” мақомини бериш орқали 2020-2025 йилларда ривожлантиришга оид чора-тадбирлар дастурига таклифлар ишлаб чиқиш ва дастурларни тасдиқлаш ва Урбанизация агентлигига тақдим этиш.		Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Шукуров, Ходжаев), Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Назаров), тегишли вилоят бошқарма ва ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари			Қуйидагиларни инобатга олиб Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Урбанизация агентлигига тақдим этиш: йўлдош шаҳарларни ривожлантириш натижасида асосий шаҳарга (ядро шаҳар) бўлган демографик юкни қисқартириш; йўлдош шаҳарларга бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий эътиборни кучайтириш орқали маҳаллий аҳолининг шаҳарлар ичида ҳаракат эркинлигини таъминлаш; йўлдош шаҳарларда саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш; янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш назарда тутилади.

2.4. Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

10	Вилоятда автомобил транспорти хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Шукуров), Транспорт бошқармаси (Ҳамраев)	24,2 млрд.сўм	Транспорт ва логистика ривожлантириш жамғармаси-4,0 млрд.сўм, Тадбиркор маблағи ва кредитлар-20,2 млрд.сўм	Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш. Бунда, аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш доирасида вилоят бўйича: 10 та янги автобус йўналишлари очиш, Жомбой ва Оқдарё туманларидан 1 тадан (1,0 млрд.сўм) автостанциялар қуриш, 51 та оралиқ бекатлар қуриш (1,1 млрд.сўм), 88 та янги автобуслар сотиб олиш (17,1 млрд.сўм) назарда тутилади.
11	Самарканд шаҳрида транспорт тизимини комплекс режалаштириш мақсадида моделлаштиришни жорий этиш.	2020 йил 1 декабрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Шукуров), Транспорт бошқармаси (Ҳамраев), ЙХХБ (Носиров), Самарканд шаҳар ҳокимлиги (Облокулов), Молия бош бошқармаси (Мирзаев)			Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда, хорижий компания ва мутахассисларни жалб этган ҳолда: транспорт тизимининг тегишли курсаткичлари бўйича янгиланиб бориладиган рақамли базани такомиллаштириш; транспорт тизимининг математик моделларини ишлаб чиқиш.

2.5. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш

-	Иқтисодиёт тармоқларига замонавий технологиялар жорий этиш, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбар-	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев), Марказий банк	3500,0 млрд.сўм ва 281,2 млн. доллар	Тадбиркор маблағи-2,4 млрд сўм, Кредитлар-543,4 млрд.сўм,	Амалий чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: қиймати 5,7 трлн. сўм бўлган 563 та лойиҳалар амалга ошириш ва 8,7 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш, шундан, саноат соҳасида 2,5 трлн.сўмлик 162 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 2,1 трлн сўмлик 136 та, қишлоқ
---	---	--------------	---	--------------------------------------	---	--

12	дош тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, жойларда янги иш ўринларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилишни кенгайтириш.		вилоят бошқармаси (Собиров), Тижорат банклари, Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари		Хорижий инвестиция - 233,6 млн.доллар, Хорижий кредитлар- 47,9 млн.доллар	хўжалиги соҳасида 1,1 трлн сўмлик 265 та лойиҳаларни амалга ошириш; лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш; қурилиш - монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда қувватларни ишга тушириш чора-тадбирлари назарда тутилади.
13	Халқаро молиявий институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи бошқа ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Шукуров), Уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (Сатторов), Инжиниринг компанияси (Арзиқулов), “Сувокова” ДУК (Юсупов), Автомобиль йўллари бошқармаси (Ҳасанов), “Мароқанд обод” ДУК (Боқижонов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари	6,3 млн.доллар 6,8 млн.доллар 13,3 млн.доллар	Жаҳон банки Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК фондлари ФТА кредит: 11,2 млн.дол ЕИ Гранти: 2,1 млн. долл	Амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: “Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини оқова тизимини реконструкция қилиш” лойиҳаси; “Қўшробот тумани ичимлик сув таъминотини яхшилаш” лойиҳаси; Франция тараққиёт агентлигининг “Самарқанд шаҳрида қаттиқ маъйиший чиқиндилар бошқарувини модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш.

2.6. Янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини кенгайтириш орқали ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш

14.	Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кескин ошириш чораларини кўриш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ходжаев, Нуркулов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Эргашев), туман ва шаҳар ҳокимликлари, “Ўзстандарт” агентлиги вилоят бўлими, вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (Хасанов), Божхона бошқармаси (Юсупов),			Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: Жорий йилда мева-сабзавот экспорти ҳажмини 276,2 млн.долларга етказиш; кейинги 5-7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш; ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда туманларни босқичма-босқич ихтисослаштириш; халқаро бозорлардаги талабни таҳлил қилиш асосида экспортбоп юқори даромадли маҳсулотларни танлаб олиш; туманларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, маҳсулотларни етиштириш учун ер ажратиш; сифатли уруғлик ва бошқа турдаги моддий-техник ресурслар билан тизимли таъминлаш ҳамда хизматлар соҳасини ривожлантириш чораларини кўриш; чет эл карантин хизматлари билан “яшил йўллар” тизимини ўрнатиб, хорижий давлатларга мева - сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш назарда тутилади.
------------	--	--------------	--	--	--	---

2.7. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамалакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кластер тизимини ва барча йўналишларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш йўналишларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш.

15	Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Нуркулов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Эргашев),	Хисоб-китобларга асосан	Ташаббус-корлар ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. Бунда: 2020 йилдан пахта ва ғалла ишлаб чиқариш ҳажмларини давлат томонидан тасдиқлашдан воз кечиш; пахта ва ғалла харид нарҳини давлат томонидан белгилаш амалиётидан воз кечиш;
-----------	--	--------------	--	-------------------------	--	--

	Ўтказиш ишларини давом эттириш.		Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (Тошмуродов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Норқўзиев)			салоҳиятли ташаббускорларни танлаб олиш ва фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўмаклашиш; кластерлар ва маҳсулот етиштирувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш назарда тутилади.
16	Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Нуркулов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Эргашев), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Норқўзиев), туманлар ҳокимликлари	20,4 млрд.сўм	Ташаббускорлар маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. Бунда: Вилоятда 13 та мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш, уларнинг 4 тасида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида 20,350 млрд.сўм инвестиция киритиш.
17	Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатни яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларининг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Нуркулов), “Зарафшон” ИТХБ (Раджабов), Молия бош бошқармаси (Мирзаев), туманлар ҳокимликлари	127,4 млрд.сўм	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. Бунда: 67 км магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тизими, 10,7 км ёпик ётиқ дренажлар, 55,9 км каналлар ҳамда 1 та гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш; 13 минг 635 гектар майдоннинг суғориш тизими ва 3 минг 120 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш назарда тутилади.

18	2020 йилда 44 минг гектарда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар қўп майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Нуркулов), Молия бош бошқармаси (Мирзаев), “Зарафшон” ИТХБ (Раджабов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Эргашев), туманлар ҳокимликлари	Хисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, тижорат банклари-нинг кредитлари	Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. Бунда: 17,3 млн куб. метр сув ва бошқа ресурсларни иқтисод қилиш, 3 минг 145 гектар такрорий экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш; 2020 йилда жами 7 минг 100 гектарга сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш назарда тутилади.
19	Чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш.	2020 йил 20 март	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Нуркулов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (Тошмуродов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Эргашев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ҳакимов), туманлар ҳокимликлари			Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Дастурда: озуқабоп экинларни экиш учун юқори ҳосилдор уруғликлар етказиб беришни таъминлаш; чорвачилик хўжаликларига ажратилган экин ерларида озуқабоп экинларни экишни таъминлаш; чўл-яйлов озуқабоп экинлари уруғчилигини йўлга қуйиш; чорвачилик хўжаликларини шрот, шелуха ва омухта ем маҳсулотлари билан биржа савдоси орқали таъминлаш; чорвачиликда инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш чоралари назарда тутиш.

2.8. “Рақамли иқтисодиёт”ни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жумладан соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштириш, ахборот тизимининг яхлитлиги ва барқарор фаолиятини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш

